# МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

**Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси**

**2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ**

## Нуронийлар — ҳаётимиз файзи



**Нуронийлар нафақат ўз хонадонларининг, балки элнинг, юртнинг кўрки, маҳаллаларнинг файзидир. Уларнинг дуоларидан эл кўкаради, юрт яшнайди, маҳаллалар обод бўлади, ҳаётий тажрибалари ёшларга сабоқ бўлади. Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қари билганни пари билмайди» деган ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаган. Қарияларимиз турмушимиз файзи. Улар бор хонадонда тинчлик-тотувлик ҳукм суради, дастурхондан файз-барака аримайди.**

Шайхонтоҳур туманида 48 та маҳалла мавжуд бўлиб, улар орасида ибратлилар анчагина. Шу ўринда «Сархумдон» маҳалласи ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Маҳалладаги тинчлик, тотувлик, меҳр-оқибат, баҳамжиҳатлик, осойишталикни кўриб кишининг ҳаваси келади. Уни бошқараётган маҳалла оқсоқолига ҳам беихтиёр «...Балли, отангизга раҳмат», — деб юборасиз. 1422 хонадоннинг бошини бирлаштириб, аҳилликни таъминлашнинг ўзи бўладими?.. Гапнинг сирасини айтганда баъзан ўз болангга сўзингни ўтказолмай хуноб бўласан. Дарҳақиқат, 7104 аҳолининг иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туриш, ҳар бирининг феълига яраша муомала қилишнинг ўзи эмас. Бунинг сирини маҳалла оқсоқоли Маҳмуджон ака Рашидовдан сўрасак, у киши камтарлик билан шундай дейдилар:

— Бунинг сири оддий. Ҳар бир ишда кўпни кўрган, доно, зукко, табаррук отахон ва онахонларимизга суянаман. Тўй ва маъракаларни ихчам, камчиқим ўтказишда доимо ҳисса қўшишяпти. Оилавий жанжаллар, ҳуқуқбузарликларнинг камайиб бораётганида ҳам уларнинг хизматлари катта. Мунтазам равишда турли ҳашарлар уюштириб турамиз. Кенг кўламли ободонлаштириш ишларида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалла аҳли фаол қатнашади. Серғайрат ёшларга кекса отахонлар доимо бош-қош.

Маҳалламиз ҳудудида 38-мактаб ва 445-болалар боғчаси жойлашган. Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратганмиз. «Оила, маҳалла ва мактаб» концепцияси асосида мактаб билан ҳамкорлик ўрнатилган. Турли мавзуларда давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказиб турилади. Албатта бу тадбирларда отахон ва онахонларимиз фаол иштирок этадилар. Ёшларни ҳунарга ўргатиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳалла ҳудудида қандолат цехи, оёқ кийимни таъмирлаш устахонаси, тўқув ва иккита тикув цехлари, иккита нонвойхона фаолият кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, нуроний отахон ва онахонларимиз дуосида гап кўп. Маҳмуджон аканинг маҳалла қарияларига суяниб иш олиб боришлари беиз кетаётгани йўқ. Ўз навбатида оқсоқол бошлиқ фаоллар ҳам маҳалла кексаларига эътибор билан муомалада бўлмоқдалар. Ҳар йили Наврўз, Мустақиллик байрами тантаналарида, Хотира ва қадрлаш кунида маҳалла аҳлига дастурхон ёзиб, ош тортилади. Давра тўри эса отахон ва онахонлар учун алоҳида безатилади. Уларнинг иззатлари жойига қўйилади. Ушбу йиғинларда ҳомийлар кўмагида ёрдам пули ва эсдалик совғалари топширилади. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам бериб турилади. Ҳар ойда 5 та кам таъминланган оилалар учун уй-жой коммунал тўловлари учун моддий ёрдам кўрсатилиб келишмоқда.

Яқинда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан дастурхон ёзилиб, ҳалим тортилди. 60 дан ортиқ онахонлар, ёлғиз қарияларга совға-саломлар улашилди.

Ҳа, умр оқар дарё. Гап унинг қандай ўтишида эмас, балки бу йўлда қоладиган изларда. Бу излар фарзанд тарбияси, амалга оширилган эзгу ишлар мажмуи, ҳаёт мазмуни, келажак авлодлар учун ўрнак бўларли сабоқларда кўринади. Бу сабоқлар ҳозирги куннинг тинч-осойишталиги, фаровонлиги ва ҳаловати учун ҳисса бўлиб қўшилади. Бунга не етсин.

**Дония ЗОКИРОВА.**

**СУРАТЛАРДА: маҳалла фаолиятидан лавҳалар.**



**Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мираҳмад ака Муҳамедов одамохун, жонкуяр, ғамхўр, қўлидан келганича ўзгаларга ёрдамини аямайдиган меҳридарё инсонлардан. Зеро, маҳаллага етакчилик қилувчи инсон шундай бўлиши керак-да аслида. Чунки оқсоқол маҳалланинг отаси. Унинг олдига маслаҳат сўраб келувчиларни хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин қабул қилиб арзларига қулоқ тутиш унчалик осон иш эмас. Лекин Мираҳмад ака аксинча, маҳалладошларининг тинч-осойишта яшаши учун имкони борича улар ёнида бош-қош.**

**ҲОРМАНГ, ОҚСОҚОЛ**

## Режалар ҳали бисёр

— Дунёда яхшилар кўп, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқароларидан бири Собир Толипов кўчаси, 40-уйда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Фарида ая Муҳиддинова, — бошимга оғир ташвиш тушди. Қизим бевақт вафот этди-ю ота-онасиз етим қолган неварамни тарбиялашдек оғир вазифа менга қолди. Очиғи, бу гапиришгагина осон. Шукрки, Мираҳмад бошчилигидаги маҳалламиз фаоллари мени ёлғизлатиб қўйишмади. Тез-тез ҳолимдан хабар олиб кўнглимни кўтаришади. Яқинда каминага моддий ёрдам кўрсатишди. Ҳа, деган туяга мадор, деб шуни айтадилар-да. Ишқилиб оқсоқолимиз омон бўлсин.

Оқсоқол ҳақида бундай илиқ сўзларни бошқалардан ҳам эшитиш мумкин.

— Ёшлигимдан қийинчиликда, она меҳрига зор бўлиб вояга етганим учунми, — дейди Мираҳмад ака, — бошқалар дардига малҳам бўлгим келаверади. Жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ҳам менинг кўнглимдаги иш бўлди-да ўзиям. Шу кунгача 30 нафардан ортиқ кам таъминланган, ширин каломга муҳтож фахрийларга моддий кўмак бердик. Наврўз байрами муносабати билан эса 50 нафар отахону онахонларимизга дастурхон тузаб меҳмон қилдик, маҳалла жамғармасидан фаоллар билан маслаҳатлашган ҳолда 140 минг сўмлик совғалар қарияларга инъом этилди. Биламан, бу ҳадялар озлик қилади, албатта. Лекин кўнгил шод бўлади-ку.

Саховатпешалик бор жойда барака, юксалиш бўлиши рост гап экан. Чунки оқсоқолнинг бу ҳаракатларини кўриб, маҳалладаги бошқа фаоллар, хусусан тадбиркорлар ҳам ҳаракатга тушиб қолишди. Мираҳмад ака ёнига жипслашишди. Ёшлардан таркиб топган футбол жамоасига ҳам бевосита маҳалла раҳбарлари кўмагида спорт кийимлари, тўплар олиб берилгани сабаб ўтган йили маҳаллалараро ўтган «Биз «Пахтакор» келажагимиз» турнирининг туман босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

— Ёшларнинг маънан баркамол ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида маҳалланинг ўрни беқиёс, — дейди оқсоқол, — шу боис ҳам ҳудудимиздаги 271-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан ҳозирча иқтидорли бир нафарига ҳар йили битириш кечасида пул мукофоти беряпмиз. Келгуси ўқув йилидан эса мактабнинг энг намунали, аълочи ўқувчисига ҳар ойда тўланадиган доимий стипендия жорий этмоқчимиз.

**— Мираҳмад ака, бу хайрли ишларга маблағни қаердан оласизлар? — сўраймиз оқсоқолдан.**

— Маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган учта чойхона, битта гузар ва хусусий тадбиркорлар ҳар ойда жамғармамизга пул ўтказишади. Бундан ташқари 4 йил муқаддам ташкил этганимиз иккиламчи хом ашё пунктига ҳар ойда маҳалладошлар томонидан тўрт тонна миқдорида кераксиз қоғоз чиқиндилари топширилади. Бундан келадиган фойда эса аслида ўз йўлига. Лекин баҳонада икки нафар маҳалладошимиз иш билан таъминланди. Муҳими, озодагарчилик, ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бажаришимиз лозим бўлган ишлар ҳам талайгина, — дея сўзини давом эттиради оқсоқол, — Ғулом Ёдгоров ва Мақсуд Хидиралиев номидаги кўчаларни қайта таъмирлаш зарур. Замонавий кўринишдаги янги гузар қурмоқчимиз.

Ҳа, Мираҳмад ака тиниб-тинчимас инсон. Доим кимнингдир ғамида ёки қандайдир муаммо билан банд.

...Катта равон асфальт кўчадан ўрта бўйли, истараси иссиқ, оқ-сариқдан келган, чамаси эллик ёшлардаги бир киши ўтиб боради. Уни кўрганлар юзларида табассум ила «Ҳорманг, оқсоқол», дея саломлашадилар, ҳол-аҳвол сўрайдилар. Мираҳмад ака эса умрининг зое ўтмаётганлигидан, маҳалладошларига нафи тегаётганидан хурсанд ҳолда йўлида давом этади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ҳамжиҳатлик бўлган жойда

**Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой дарвоза» маҳалласи шаҳримиздаги аҳолиси гавжум ва обод гўшалардан бири ҳисобланади.**

Чунки 4980 нафар аҳолиси бўлган «Чиғатой дарвоза» маҳалласида фаоллар саъй-ҳаракати билан ҳашар йўли билан гузар, сартарошхона, нонвойхона қурилганлиги айни муддао бўлди-да. Эл фаровонлиги йўлида оқсоқол Анвар Эшпўлатов раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлардан аҳоли мамнун.

— Баҳор фаслида ободонлаштириш ойлигини кўнгилдагидек ўтказганимизга ҳали-ҳали суюниб қўяман, — дейди биз билан суҳбатда оқсоқол. — Чунки ободонлаштириш баҳонасида қанчадан-қанча мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, кўчалар, йўллар таъмирланди. Буниси ҳам майли. Фаолларимиз ҳаракати сабаб ҳар бир хонадонга иложи борича терак кўчати экилгани мақтанса арзийдиган иш бўлди-да. Бошида бу ишга айримлар норози ҳам бўлишди. Терак қачон катта бўлади-ю, қачон ундан фойдаланамиз деб. Лекин сабр таги — олтин деган гаплар ҳам бор.

Маҳаллада ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар билан ишлаш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Чунки яқинда айнан ёшлар ташаббуси билан иш бошлаган Маънавият ва маърифат хонаси айни кунларда маҳалла фуқароларининг гавжум масканларидан бирига айланди. Чунки бу ерда тез-тез туман Маънавият ва маърифат маркази, «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ҳуқуқшунослар, шифокорлар, олимлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, китобхонлик кечалари уюштирилмоқда. Яқинда яна бир хайрли иш амалга оширилди. Маҳаллада фуқаролар оқсоқол бошчилигида ҳашар уюштиришди. Натижада бунёд этилган ихчамгина иккита хонада профилактика нозирлари ва маҳалла посбонлари иш бошлашди.

Ҳа, «Чиғатой дарвоза»да бажарилаётган ишлар кўлами кенг. Буни биргина лавҳада акс эттириш мушкул. Шу боис ҳам биз маҳалла аҳлига янада фаол ва уюшқоқ бўлинг деймиз.

**Абдулла ТОЛИПОВ**

# Сўранг, жавоб берамиз



***Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришни истаган фуқаро қаерга мурожаат қилиши керак?***

*С. Маҳкамов*

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришни рад этганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

* * *

***Менинг паспортимнинг амал қилиш муддати бир йилга ўтиб кетди. Оилавий шароитим, беморлигим туфайли вақтида бориб алмаштира олмадим. Айтингчи, бу масалада қонунларимизда нима дейилган?***

*Ш. Умурзоқов*

Паспортнинг амал қилиш муддати ўтиб кетса, узрли сабаб ва қаттиқ бетоблиги туфайли алмаштиришга келолмаган бўлса, ҳеч қандай монеликсиз паспорт алмаштириб берилади. Лекин лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли паспортнинг амал қилиш муддати ўтиб кетган бўлса маъмурий чора кўрилади. Республикадаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

* * *

***Мамлакатимизда ҳар бир фуқаро 16 ёшга тўлгандан кейин паспорт олиши лозим. Агар бирон сабаб билан паспорт олинмай қолса, сабаби суриштириладими?***

*М. Шоҳайдаров*

Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси 16 ёшга тўлгандан кейин қонунда белгиланган тартибда паспорт олиши шарт. Мактаб ўқувчиси, фарзандларимиз ёшлик қилиб бунга жиддий эътибор бермасликлари мумкин. Ўйлайманки, бунда ота-оналар масъулиятлироқ бўлишлари лозим. Бу масалада биз мактаблар ва маҳаллалар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Агар оилавий шароит туфайлигина (ота-она ажрашиб кетиши, беморлиги туфайли) паспорт ололмаган бўлса бизга келиб мурожаат қилади ва биз ўз ёрдамимизни берамиз.

* * *

***Менинг синглим Фарғонага келин бўлиб тушган эди. 3 та фарзанди бор. Лекин битта фарзандининг мунтазам соғлиғи яхши бўлмаганлиги туфайли Тошкентга кўчиб келмоқчи. Айтингчи, мен уларни ўз хонадонимга рўйхатга қўйишим мумкинми? Шу тўғрида маълумот олишни истар эдик.***

*Н. Асадова*

Маълумки, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг паспортлар тизимини такомиллаштириш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Унда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтиш учун ўзгартиришлар киритилди. Вилоятлардан келаётган фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтказилади. Сўнгра барча ҳужжатлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги махсус фуқароларни рўйхатга қўйиш ва чиқариш комиссиясига топширилади. У ерда барча ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб кўрилаётган масала ҳал қилинади.

* * *

***Кейинги пайтларда тез-тез паспортимга виза қўйдиришим керак, жуда оворагарчилиги кўп экан, деган гапларни эшитиб қоляпмиз. Амалда бу иш қандай бўлади?***

*М. Юсупов*

Бу ишнинг қийин, оворагарчилик томонлари йўқ. Қайсидир чет мамлакатларда ишлаш, саёҳат, дам олиш учун бормоқчи бўлган фуқаролар паспорт билан келиб туман ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимига мурожаат қиладилар. Бу ерда тегишли ҳужжатлар тўлдирилади, кўрсатилган пул суммаси тўланади. 15 кун ичида масала кўриб чиқилиб, кейин рухсат берилади, яъни паспортга виза қўйилади.

* * *

***Кейинги пайтларда белимда тез-тез оғриқ пайдо бўлмоқда. Айниқса, баҳорда оғриқнинг зўрайганини сездим. Бу борада қандай маслаҳат бера оласиз?***

*А. Муҳамедов*

Бундай пайтда жуда қадимдан қўлланиб келинган даво усули — танани бир текис иситиш усулини қўллаш лозим. Умуртқадаги, буйрак, бўғимлардаги (радикулит, ишнас, неврит) оғриқларда табиий жундан тайёрланган «белбоғлар» яхши ёрдам беради. Айниқса, елвизак шароитида ишловчилар: ҳайдовчилар, боғбонлар, сайёҳлар ва бошқаларга жуда қўл келади. Бу белбоғлар тананинг бел атрофини иссиқ ўраса, ташқаридан сезилмайди.

**Жавоблар Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи Ботир ДАМИНОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## Дўстим деб топганинг душман бўлмасин

Дўстлик ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Донишмандлар ибратли гапларни айтишган. Бу мавзуда улардан ошириб ва тошириб бир нарса дейиш қийин. Лекин айнан ўзимиз гувоҳ бўлган бир мудҳиш воқеа шу маънода яна бир бор қалам тебратишга мажбур этди.

Ярим тунда Азимжонлар хонадонида содир бўлган ёнғин бутун маҳаллани оёққа турғазди. Ҳамма саросимада. Одам зоти борки ўзи билан ўзи овора. Кимдир тобора осмону фалакка ўрмалаётган оловга бас келмоқчи бўлади, яна биров ташқарига олиб чиқилган буюмларни хавфсизроқ жойга олиш билан овора. Хонадон соҳибаси зор қақшаб ўзини ичкарига урмоқчи бўлади. У аланга ичида қолиб кетган гўдагини қутқариш пайида зир югуради.

Шу пайт бир йигит кутилмаганда ўзини ичкари урди. Кўп ўтмай ҳаммани лол қолдириб, аланга ичида қолиб кетган гўдакни бешиги билан ташқари олиб чиқди. Онаизор «боламлаб» тутаб бораётган бешик устига ўзини ташлади. Чаққон ҳаракатлар билан биғиллаб ётган боласини бешикдан ечиб олди. Оломон эса усти-боши баралла ёниб бораётган халоскор йигитни олов домидан қутқариш пайида уни бир зумда қуршаб олди. Қанчалик ёрдам кўрсатилмасин барибир йигитнинг бош-кўзи, танасига анчагина жароҳат етган эди.

Ёнғин ўчирувчилар ва йиғилганларнинг ёрдамида фожиа барҳам топди. Шундан кейин билсак Қодиржон исмли ўша халоскор йигит хонадон эгаси Азимжоннинг энг яқин дўсти экан.

Қодиржон касалхонада анча-мунча ётиб, шифо топиб чиқибди. Лекин юз-кўзида оловдан куйган чандиқ излари қолди. У сўраб истаган одамларга: «Дўстимнинг бошига шундай ташвиш тушиб турган вақтда ўзимни четга олиб турсам унинг олдида нима деган одам бўлардим», деган сўзларни айтибди.

Вақт оқар дарё. Ўша воқеадан кейин бир йил ўтиб ўтмай: «Нима дейсан, Азимжон ўз дўсти Қодиржонни пичоқлаб қўйибди, у касалхонада оламдан ўтибди», деган хунук хабар тарқалди. Тақдирнинг бу қора қилмишига ҳамма ҳайрон. Кўпчиликни қийнаган «Нега?», «Нимага?» деган саволига ниҳоят жавоб топилди.

Қодиржон дўстининг кўп ичишидан куйиниб уни бироз инсофга, тартибга чақирган экан. Бу гапдан жиззаки Азимжоннинг жазаваси тутиб кетибди.

— Ҳали сен менга насиҳат қиладиган ота бўлдингми? — деб дўстининг ёқасидан олибди. Ундан анча кучли Қодиржон Азимжоннинг қўлини қайириб, жойига ўтқазиб қўйибди. Кейин: «Гапим сенга оғир ботган бўлса, узр дўстим», дея ундан кечирим ҳам сўрабди. Лекин Азимжон номардлик қилибди. Дастурхон устида турган пичоқни қўлига олиб, тўсатдан Қодиржоннинг кўкрагига урибди.

Номард дўстнинг қилмиши бутун маҳаллани ларзага солди. Қодиржон дўсти учун ўзини оловга отди. Азимжон эса яхшиликка ёмонлик қилиб унинг жонига қасд қилди. Шу топда шоирнинг қуйидаги икки сатри хаёлимга келди:

**«Доноға ёндошгил, қоч нодондан сен,**
**Ҳатто у хавфлидир доно душмандан».**

Ўйлаймизки, бу ўринда ортиқча гапга ҳожат йўқ. Бўлган воқеадан хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

## Бунисига нима дейсиз?

Баъзи кимсаларнинг қилмиши ва ўта кетган қаттиққўллигини кўриб беихтиёр «Ё тавба», деб ёқангни ушлаб қоласан. Шунақа дилни ранжитувчи ҳолат яқинда 2- йўналиш бўйлаб қатновчи трамвай салонида содир бўлди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси бекатидан 3-4 болакай трамвайга чиқишди. Улар ўта хушкайфият, кўрган-кечирганларини бир-бирларига сўз бермасдан уқдиришарди. Гап мазмунидан улар ҳайвонот боғида бўлишиб қайтишаётгани шундоққина билиниб турарди. Шу дамда болакайларга трамвай чипта сотувчиси яқинлашди.

— Қани, чурвақалар, ҳадеб вайсайвермай чипта ҳақини чўзиб қўйинглар.

Болаларнинг бир зумда руҳлари чўкиб, бир-бирларига савол билан термулиб қолишди.

— Сизларга айтяпман, қулоқ борми ўзи? — бақириб берди назоратчи.

— Жон опажон, бу сафар кечиринг, бор пулимизни ишлатиб бўлдик, ҳайвонот боғига кирдик.

— Ҳайвонот боғига текинга кирмагандирсизлар. Энди трамвайга тўлашга пулларингиз йўқ, шунақами? Транспортда бепул юришга ўрганиб қолгансизлар-да, текинхўрлар.

— Ҳой, синглим, ўғлингиз тенги болалар экан. Уларни ортиқча ранжитманг. Бир сафар пулсиз кетишса ҳеч нарса қилмас, — деди орқароқ ўриндиқда ўтирган аёл болаларнинг ночор ҳолатига разм солиб.

Назоратчи аёлга қараб бобиллаб берди:

— Сиз аралашманг, хола, болаларнинг тарбиясини бузиб. Булар ҳамиша текинга юришади трамвайда. Қолаверса, бу менинг шахсий вагоним эмас, давлатники. Бизда ҳам кундалик режа бор, тушум пули бор. Нима мен ёнимдан тўлайманми? — кейин у болаларга юзланди. — Қани, тушинглар деяпман сенларга.

— Болаларни тинч қўйинг, улар учун патта пулини мана мен тўлайман, — деди ўрта ёшли бир киши. Кейин чўнтагидан бир даста пул узатиб, назоратчига узатди. — Мана, ҳисоблаб ола қолинг ўзингиз керагини.

Назоратчи сўзсиз унга ёндошди-да, «Ҳотамтой» кишидан тўртта болага етарли пулни санаб олиб, қолганини эгасига қайтариб берди.

— Қани, чипта бермайсизми? — деди бояги киши пулни олиб индамай ўзидан нари кетаётган назоратчига.

— Чипта тамом бўлган, ҳақини тўладингиз бўлдида. Чиптани нима қиласиз?

«Ё, тавба», бу энди қанақаси? Назоратчининг «давлатники» деб ёш болалардан ҳам қаттиққўллик билан чипта пули ундиргани нима-ю чипта бермай индамай кетаётгани нимаси? Бу саволга яхшиси жавобни сиз айтинг, ҳурматли оқшомхон. Бу тартибда йўловчилардан ундирилган чипта пули кимнинг киссасига тушади: давлатникигами ёки ўша талабчан назоратчининг чўнтагигами?

**ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН**

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Хизматдан барака топасиз, лекин...

Шаҳарда нима кўп, бензин қуйиш шохобчаси кўп. Шундоқ кирсангиз бўлди, шоввозлар бир зумда ҳожатингизни раво қилишади. Деярли сиз машинангиздан тушмай туриб, барча ишингизни битказиб беришади. Чаққон йигитлардан бириси бензин қуйган, бирови ойнангизни артиб тозалаган. Хуллас, хизматдан барака топасиз. Лекин... Нима демоқчи эканлигимизни билдингиз-а? Тўғри топдингиз. Баъзида бензиндан барака топмайсиз. Кўпчилик операторлар ҳисобдагидан ёнилғини кам қуйишга одатланиб қолишган. Масалан, улар ҳар 10 литр бензиндан бир литрини уриб қолишмаса, кўнгиллари жойига тушмайди. Баъзида эса бу миқдор ошиб кетганидан асабингиз қўзийди. Энг ёмони шу юлғичликни қилаётганлар айбларини бўйниларига олишмай ўзлариникини маъқуллаб туришади.

Яқинда Оҳангарон томон бораётиб йўлнинг ўнг томонида жойлашган ҳозирги гольф-клуб (илгариги «Роҳат» кўли) яна ҳам тўғрироғи шу орадаги божхона пости биқинидаги бензин қуйиш шохобчасига кирдик. Ўн литр бензинга 2000 сўм ҳақ тўлаб, талон олдик-да уни қуювчига узатдик. Белгиларига қараб турсак (борингки биздан кетса кетақолсин) машинамиз бакига 9 литр бензин қуйилди.

— Нега ундай бўлди? — сўраймиз қуювчидан.

— Билмайман, бориб оператордан сўранг.

— Тўғри қуйдик-ку, ака, — дейди оператор бизнинг норозилигимизга унча эътибор бермай.

Талашиб-тортишишларимиз кор қилмади. Шунда шохобча бошлиғининг исми-фамилиясини сўрадик.

— Исми Улуғбек, фамилиясини билмайман.

Ана холос. Ўз бошлиғининг фамилиясини билмаган хизматчини энди кўриб туришимиз. Начора, ҳар қалай, гап эгасини топар, деган мақсадда уни сиз, азизлар, эътиборига ҳавола этдик.

# «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Бектемир тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўзгага тегишли бўлган «ВАЗ-2106» русумли автоуловни ўғирлаб қочган икки шахс қўлга олинди. Гап шундаки, автоуловнинг ўғирланганини пайқаган заҳоти милицияга хабар қилган жабрланувчи жиноятчиларнинг қочиб кетишларининг олдини олди. Чунки, воқеа жойида зудлик билан ҳозир бўлган тезкор ходимлар Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманилик Б. Назир ва П. Иван исмли икки жиноятчини қисқа вақт оралиғида ушладилар.

◆ Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисмига, бирон жойда ишламайдиган тўрт нафар шахс ушлаб келтирилди.Маълум бўлишича, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрилик аввал ҳам судланган Қ. Сарвар исмли кимса ўз ҳамтовоқлари саналган, Чорсу мавзесида яшовчилар, барчаси ҳам илгари судланиб чиққан А. Баҳром, Х. Денис ва Х. Семёнлар билан ўзаро тил бириктирган ҳолда, қалтис режа тузиб, Чорсу даҳасидаги уйларнинг бирида истиқомат қилувчи фуқаро Н. Насретдинованинг хонадонига калит танлаш йўли билан кириб, ўғирлик жиноятини содир этадилар. Бугунги кунда эса ана шу ножўя ҳаракатлари фош этилгач, жами нархи 1.451.000 сўмлик турли уй жиҳозларини ўмарганликларига иқрорлик билдиришдан ўзга чоралари қолмади.

◆ Чилонзор туманида яшовчи Р. Дамир исмли кимса ўйлай-ўйлай амалга оширган режасининг шу даражада муваффақиятсиз якунланишини асло хаёлига келтирмаган эди. Милиция ходимлари уни Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчасида жойлашган «Омархим» МЧЖнинг офисидан нархи 300.000 сўм турадиган «Рикон-ФТ» русумли ксерокс аппаратини ўғирлаб кетаётганида далилий ашё билан ушладилар.

◆ Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан Чилонзор-2 мавзесидаги 46-уйнинг олдида кўринишидан бирмунча шубҳали бир киши тўхтатилиб, текшириб кўрилди. Ходимларнинг кутилмаганда текширишларидан ўзини безовта ва бесаранжом тута бошлаган Спутник-8 мавзесида яшовчи С. Пратовнинг бу ҳаракати бежиз эмас экан. Чунки унинг ёнида 595.14 грамм героин гиёвандлик моддаси борлиги аниқланди. Энди бу жиноятчи ҳам тегишли жазо олади.

◆ Мирзо Улуғбек туманидаги 4-Тракторсозлар даҳасида яшовчи И. Вобий турфа хаёлларга берилди шекилли, Феруза-2 мавзесидаги 58-уй олдидан бораётиб, шу ерда қаровсиз қолдирилган З. Тешабоевнинг «ВАЗ-2106» русумли автоулови эшигининг ойналарини синдириб кириб, ҳайдаб қочиб кетади. Жабрланувчининг берган хабаридан сўнг жиноятчини қўлга олиш ҳаракатига тушган милиция ходимлари уни узоққа кета олмасидан ушладилар.

Бировнинг моли ўзгага буюрмаслигини кеч англаб етган айбдор энди қилмишига яраша жазосини олади.

◆ Сергели туманидаги уйларнинг бирида истиқомат қилувчи М. Позилов ўз уйи олдида қолдирган «ВАЗ-2101» русумли автоуловидан «Родстар» автомагнитоласи номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида тезда туман ИИБга хабар берди. Милиция ходимлари чора-тадбирлар кўришиб, ушбу ўғирлик жиноятини очишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, Қўйлиқ-6 даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Бахтиёр, шу манзилда яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат қилмайдиган А. Умар ҳамда аввал ҳам судланиб чиққан, Қўйлиқ-5 даҳасида яшовчи Э. Шокирлар қўлга олиниб, уларнинг фуқаро Б. Зокировнинг «Дамас» русумли автоуловидан ҳам «Родстар» автомагнитоласини ўғирлаганликлари ўз исботини топди. Начора, «Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, энди бу кимсаларнинг ҳам қонун олдида жавоб беришлари тайиндир.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

# Ибратли ҳикоятлар

Ҳийла, тадбир — энг зўр гуноҳ, нафратли ишдир. Қуйидаги ҳикоят шу ҳақда.

Ироқ шаҳарларидан бирида жуда ҳам сўзга уста таъсирчан нутққа эга бўлган бир воиз пайдо бўлди. Шаҳарнинг катта бир майдонида ҳар жума куни воизлик қилиб, халқни зор-зор йиғлатарди. Шаҳар халқи бу воизга мурид ва мухлис бўлди.

Шу тартибда бу одам бир неча ой воизлик қилди. Анчагина пул тўплади. Воиз бир куни минбарга чиқиб, ваъз сўзлаб турганда, бир йигит халқ орасидан чиқиб келиб минбарга қадам босди, воизнинг елкасидан маҳкам ушлади, юзига бир-икки шапалоқ уриб:

— Эй малъун, қотил, бундан бир неча йил аввал отамни ўлдириб қочиб кетган эдинг, мен отамнинг фироқида зор-зор йиғлаб, сен нобакор қотилни шаҳарма-шаҳарма излаб юриб эдим. Энди сени шу ердан топдим. Шу соат ичида марҳум отамнинг қони учун сени пора-пора қиламан, — деб воизни судраб ерга туширди.

Одамлар воизни соф, пок, авлиё одам деб ишонганлари учун йигитни тутиб урмоқчи бўлдилар. Воиз оҳ-воҳ тортиб, йиғлаб:

— Ҳай, ҳай, уни асло урманглар, озор берманглар, бу йигит тўғри сўзлайди. Ёшлик даври девоналик мавсуми эмасми? Мен ўша давримда бу йигитнинг отаси билан жанжаллашиб, уни ўлдириб эдим, энди қўлига гирифтор бўлдим, агар гуноҳимни кечирса ҳам, ўлдирса ҳам ўзи билади, — деб йигит олдида бўйнини эгиб турди. Йигит ўлдириш учун ҳаракат қила бошлаган эди, халқ фарёд-фирон қилиб, унинг қўлини тутиб, ўлдиришга қўймадилар:

— Эй йигит, отанг тирилиб, қайтиб келмайди. Бундай олим хушкалом пиримизни ўлдиришдан сенга ҳеч қандай фойда йўқ. Отангнинг қони учун биз сенга кўп пул йиғиб берайлик, уни афв қил, ўлдирма, — деб воизни ўлдиришга қўймадилар.

Йигит ночор бу таклифни қабул қилиб воиздан қўлини тортди. Одамлар жуда кўп пул йиғиб йигитнинг қўлига бердилар. Шу билан воиз ўлимдан қутилди. Ўрнидан туриб халққа диний ваъз айтиб, ҳаммани йиғлатди. Лекин бу маккор одам эртаси куни бу шаҳарда кўринмади, бошқа шаҳарга қочиб кетди.

Ўша воқеани кўрган бир фозил одам айтади:

— Бу воқеадан бир неча вақт ўтгандан кейин мен Нишопур шаҳрига бир зарур иш туфайли бориб қолдим. Шаҳарнинг бир чеккасидаги кўкаламзорда сув бўйида ҳалиги воиз билан ота қони даъво қилган йигитнинг ичкилик ичишиб, кайф-сафо қилиб, ўтирганларини кўриб ҳайратда қолдим. Дарҳол улар ёнига бориб, воиздан:

— Эй халқнинг авлиёси бўлган воиз, ахир бу йигит ўз отаси қони учун сени ўлдирмоқчи эди. Биз унга кўп пул бериб, сени қутқазиб қолдик. Энди йигит билан дўстлашиб, ваъзларингга амал қилмай, у билан ичкилик ичиб кайф-сафо қилиб ўтирасан, — дедим.

Воиз кулиб:

— Биз икковимиз шерикмиз. Мен воиз бўлдим, бу йигит қон даъво қилди. Мана шу ҳийла-найранг билан халқни алдаб, кўп пул туширдик. Пулимиз тамом бўлгандан кейин яна бир ҳийлани ўйлаб топамиз, бошқача тузоқ қурамиз, — деди.

Мен ундан нафратланиб, йўлимда давом этдим.

* * *

Азизлар, ота-онангизни иззат ва ҳурмат қилинг, буюрган ишларини жону дилингиз билан қабул қилинг. Зинҳор дилларини оғритманг, бахтли-саодатли бўлай десангиз ота-онангизни рози қилинг.

● Шайх Саъдий айтади:

— Она жонпарвар бўлиб, яъни қадди-қомати бир дарахт бўлса, фарзанд у дарахтнинг нозанин меваси, яъни емиши ва натижасидир. Онанинг кўкси томирлари юрак ичида эмасми? Бас, ҳақиқат кўзи билан қарасак, она сути — унинг юрак қонидир. Шунинг учун болага онанинг меҳр-муҳаббати, отага қараганда яна ҳам кўпроқ бўлади. Баъзи фарзандлар шундай меҳрибон она қадр-қимматини билмайдилар.

Айтишларича, бир йигит онасининг гапига қулоқ солмади. Ўзининг отасизлиги соясида онасининг кўнглига озор етказди. Меҳрибон она ўғлининг қилиғидан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди, дарҳол бешикни олиб келиб, ўғлининг кўз олдига қўйиб айтди:

— Эй ёшлик, чақалоқлик пайтини унутган ноинсоф, мана шу бешикни кўрасанми? Ёш чақалоқ эккансан, шу бешикка михланиб кечалари уйқуни ўзимга ҳаром этдим, ухламадим. Бешикда ётар экансан, юзингга бир пашша ёки чивин қўнса, қувлашга қувват-мажолинг йўқлиги учун йиғлар эдинг. Мен пашша ёки чивинни қувлаб, бешикни тебратардим. Ҳадеб йиғлайверсанг, ечиб олиб бағримга босиб овутардим. Ёшинг улғайгунча, кўп машаққатлар чекиб, сени тарбияладим, сени деб қувватмадорим қолмади, сени деб ҳамма қийинчиликларга сабр-тоқат қилдим.

Мана энди катта бўлиб, куч-қувват эгаси бўлдинг. Энди у ёшлик пайтларингни унутиб, меҳрибон онангга итоат қилишни истамайсан, унинг кўнглини ранжитиб, кўз ёшларини тўктирасан. Ундай қилма, ўғлим, кўз ёшларимни тўктирма, сенга кўнгил қўйган меҳр-муҳаббатимни унутма. Мен сенга бахт-саодатлар тилайман, мени рози қил.

БАЙТ:

**Ота-онангни ўзингдан рози қил,**
**Сен уларнинг қадрини кўп яхши бил,**
**Ол олқишини уларнинг, топ камол,**
**Ёр бўлғай бахту давлат безавол.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

# Муҳаммад Авфий
# Жавомиъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Эртаси куни ҳамма йиғилгач, Марҳума деди: «Агар бу балодан халос бўлишни истасанглар, ҳар ким нима гуноҳ қилган бўлса ростини айтиб, гуноҳига иқрор бўлсин».

Эрининг укаси аввалига иқрор бўлмай, сўнгра барча қилмишларига иқрор бўлди. Йигит билан хизматкор ҳам ўз жиноятларини бўйнига олдилар. Бу воқеани барча шаҳар аҳли эшитди. Марҳума ҳожатмандларни дуо қилди, улар сиҳат топдилар.

Шундан сўнг, Марҳума: «Билинглраки, бу менинг эримдир ва мен ўша ўлдирилган Марҳумадурман. Яратган олло-таоло менинг тўғрилигим ва поклигим туфайли ҳамма балолардан омон сақлади», деди.

### ХОЖА ВА КАНИЗАК

Бағдодда бир йигит бўлиб, унга отасидан ҳисобсиз бойлик мерос қолган эди. Йигит бир созанда канизакка ошиқ бўлиб қолди. Ниҳоят, канизакни эгаси айтган баҳода маблағ тўлаб сотиб олди. Бир неча муддат канизак билан висол тахтида барқарор бўлди. Оқибатда, барча мол-мулкидан ажралиб, қашшоқлик даражасига етишди. Қашшоқлик шикваси ёруғ дунёни унга тор қилиб қўйди. Канизак унга қараб деди: «Эй хожа, давлатмандлик даврингда исрофга йўл қўйиб, ўз мол-мулкингни совурдинг. Энди афсусланишнинг фойдаси йўқ, бирор иш қилгинки, сабаби тирикчилик бўлсин!».

Йигит латиф табиатли ва зийрак эди. У канизакка мусиқа илмидан таълим бериш учун ҳар доим мусиқа илмининг устозларини уйига таклиф қиларди ва уларни ғоятда эҳтиром билан кутарди. Йигитнинг мусиқага бўлган ҳаваси шунчалик эдики, у ҳар доим уйига келган созандалар ҳузурида ўтириб, улардан мусиқа илмидан таълим оларди. Бинобарин, йигитда мусиқа илмидан кўпгина билим ва тажриба вужудга келди. Чунончи, мусиқа соҳасида етук маҳоратга эришди.

Қашшоқлик гирдобига тушгач, дўстини ўз ҳузурига чақириб, қандай чора-тадбир кўриш лозим эканлиги ҳақида у билан маслаҳатлашди: «Мол-дунё қўлдан кетди. Энди бу дардимни кимга айтиб, кўнглимни ғамдан бўшатишни билмайман. Қандай чора топсам экан?» Дўсти унга маслаҳат бериб: «Сенинг қўлингдан эндиликда ўзингни созандаликда машҳур қилиб, канизак билан бирга бадавлат кишиларнинг мажлисида бўлиб, ундан тушган даромад бадалига айш-ишратда яшашдан бошқа ҳеч иш келмайди», деди. «Сенинг берган маслаҳатингга амал қилишдан кўра, ўлим афзалроқ кўринади менга» деди йигит.

Шундан сўнг, бир неча вақтгача оғир аҳволда кун кечирди. Кунлардан бир кун канизак йигитга: «Эй хожа, агар маъқул кўрсанг, гарчи ўлимимга тенг бўлса ҳам, сенга бир йўл кўрсатай», деди. «Қандай йўл экан?» сўради йигит. «Гадолик бошимизга тушмасдан туриб, мени бозорга олиб бориб сот. Ҳар ҳолда мени бадавлат пулдор одам сотиб олади. Менга берилган маблағни кам-кўстингга сарфлаб ўзингни тузатиб оласан ва бу машаққатдан қутуласан», деди канизак.

Канизакдан бу сўзни эшитган бечора йигит кўнгли дардалам билан тўлган ҳолда канизакни бозорга олиб борди. Басралик давлатмандлардан бир йигит томоша учун Бағдодга келган эди. У бозор айланаркан, унга канизакни кўрсатдилар. Басралик йигит канизакни кўриб маъқуллади ва бир минг беш юз динор нақд олтинга сотиб олди. Йигит канизак бадалига олган олтинларни қўлда тутиб тураркан, кўзларидан тўхтовсиз ёш оқар ва қалб фарёди оҳ-нола билан уйғунлашарди. Канизак ҳам оҳ-нолалар билан йиғларди. Басралик йигит эса изтироб чекарди. Йигит канизакни сотганига пушаймон бўлиб, савдони қайтаришга ҳаракат қилса-да, фойдаси бўлмади. Бечора йигит ночор олтинни олиб, бошини қуйи солганича ҳайронликда уйни томон равона бўлди. Йўлда кетаётиб ўзича: «Агар уйга борсам, уйни канизаксиз кўрсам, у ҳолда жинни бўлиб қолишим муқаррардир», деб ўйлади ва ўзини бир оз овутиш учун масжидга кирди. У масжидга киргач, жуда кўп йиғлади ва ниҳоят уйқу ғалаба қилди. У чўнтагидан ҳамённи олиб боши остига қўйиб, бир оз мизғиди... Йигит ҳикоя қилади:

— Уйқумда биров мендан бир нарсани олгандек бўлди. Ногоҳ, уйқудан уйғониб бир ёш йигитни кўрдим, у менинг бошим остидаги ҳамённи олиб, кўчага қараб қочди. Мен унинг орқасидан қувмоқчи бўлиб ўрнимдан турган эдим, бироқ оёқларимни чилвир билан боғланганини кўрдим. То мен чилвирни ечиб кўчага чиққунимча, йигит кўздан ғойиб бўлган эди. Ғам-андуҳ ўти қалбимни куйдирарди. Кўз ёшларим тўхтовсиз оқарди. Бошимга тупроқлар сочиб, қисматимдан нолиб, гоҳида ёр, гоҳида динор фироқида йиғлардим. Ниҳоят, ўлишни ўзимга раво кўриб, дарё бўйига бордим. Бошимдаги рўмол билан кўзимни боғлаб, ўзимни дарёга ташладим. Сузишни билмаганим туфайли ғарқ бўлишимга оз қолди. Қайиқчилар мени сувга беихтиёр йиқилиб тушди деб ўйлаб, мени гирдобдан олиб чиқишди. Ҳар қайсилари менинг аҳволимни сўрардилар. Ноилож, уларга ўз аҳволимни ҳикоя қилдим. Баъзиларининг менга раҳми келарди, баъзилари эса девона деб қарардилар. Улар орасидан бир мўйсафид мени бир чеккага олиб чиқиб насиҳат қила бошлади: «Жон болам, бойлигинг кетди, дилдоринг қўлдан кетди, энди жонингни ҳам елга совурмоқчимисан? Ҳар ким ўз жонига қасд қилса дўзах ўтига йўлиқиб, охиратда азоб-уқубатларга гирифтор бўлишини билмайсанми? Фақирлик кийимини кийган ва қашшоқлик гирдобига тушиб қолган фақат биргина сенмисан?.. Бу ёмон феълингдан қайт! Умидингни худодан сўраб, уйингга бор, машаққатли туннинг тонги ва ғафлатда қолган бахтнинг равнақи келса ажаб эмас».

Мўйсафиднинг ваъз-насиҳатидан сўнг менда бир оз хушнудлик вужудга келди. Ўрнимдан туриб уйга келдим. Уйни кимсасиз кўриб, девона бўлишимга оз қолди. Ўрнимдан туриб, дўстимнинг ёнига бордим ва унга бошимдан кечирганларимни ҳикоя қилдим. Дўстим аҳволимга ачиниб кўп йиғлади ва ёнидан эллик динор чиқариб менга бераркан: «Бу арзимас маблағни олиб, насиҳатимни қабул қил! Бу шаҳардан чиқиб, бошқа томонга кет! Саводли кишисан, бирор устахонага бориб илтижо қилсанг хизматга олурлар. Котиблик билан шуғуллан! Шояд тортган машаққатларинг ҳаловатга мубаддал бўлиб, Олло-таоло сени бу қора кунлардан ёруғликка чиқарса», деди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор)**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма



**Азиз оқшомхон! Қуйида таърифлари баён этилган сўзларни шаклга рақамли айланадан кўрсаткич йўналиши бўйича ёзиб машқни ҳал этинг.**

1. Йил фасли. 2. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони. 3. Тола олинадиган техника экини. 4. Кимёвий элемент. 5. Замонавий эстрада мусиқаси. 6. Кўриш аъзоси. 7. Бойлик, олтин. 8. Миллат. 9. Рақам. 10. Ёруғлик. 11. Дурадгорлик маҳсули. 12. Асалари ишлаб чиқарувчи модда. 13. Шахматдаги ҳолат. 14. От зурриёти. 15. Босиб ўтилган масофа. 16. Пул бирлиги. 17. Сутка қисми. 18. Ҳўл мева.

**Муаммонома**

Шакл атрофидаги рақамларда икки мисра ҳикмат, марказида унинг муаллифи бўлган мумтоз шоира номи яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.

1. Давлат рамзи — 12, 13, 20, 8.
2. Беш достондан иборат асар — 17, 2, 14, 16, 2.
3. Хурсандлик, қувонч — 10, 1, 6, 7, 4, 19.
4. Ҳашарот — 15, 2, 11, 3.
5. Бир қабилага мансуб халқ — 18, 7.
6. Ҳўл мева — 9, 5, 9.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

### Газетанинг шу йил 7 июнь сонида берилган «Футбол» айланма сканвордининг жавоблари

1. Бразилия. 2. Тайм. 3. Марадона. 4. «Лидс», 5. «Ливерпул». 6. Пеле. 7. Чилаверт. 8. Мартинес. 9. «Навбаҳор». 10. «Пахтакор», 11. Санабриа. 12. Стокгольм. 13. «Нант». 14. «Маракана». 15. Вава. 16. Накамура. 17. Даев. 18. Зевлаков.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 14.00 1 2 3 4 5 6

## ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



# «ПАХТАКОР»: КЕЧА ВА БУГУН

**Халқимизда «Мозийга қараб иш кўриш хайрлидир», деган нақл бор. Биз ҳам Осиё ва Жанубий Кореяда XVII жаҳон чемпионати ўйинлари авж палласига чиққан, Ўзбекистон футболига 90 йил тўлиши олдидан халқимизнинг ана шу хайрли нақлига амал қилишни лозим топдик. Яъни мамлакатимизнинг энг севимли жамоаси, ҳатто хорижда ҳам ўз мухлислари ва мавқеига эга бўлган «Пахтакор» командаси тарихига назар ташлаб, унинг дастлабки ўйинлари, ўзбек футболининг шонли саналари йилида кўрсатган натижалари, шунингдек Ўзбекистон миллий чемпионатидаги ҳар бир мавсумга қисқача таъриф беришга ҳаракат қилдик. Имкон қадар жамоа тарихидаги энг яхши ўйинчиларни аниқлашга интилиб, унинг энг сермаҳсул тўпурарлари, майдонга энг кўп тушган футболчилари тўғрисидаги маълумотларни ҳам ноёб тарихий суратлар билан бирга футбол ишқибозлари эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Ўйлаймизки, тайёрлаган тарихий маълумотларимиз ва қисқа таҳлилимиз ишқибозларда қизиқиш уйғотади.**

### ЖАМОАНИНГ БИРИНЧИ ЎЙИНИ

**Тарихнинг ажойиботлари кўп. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда футбол вужудга келганлигининг шонли саналари нишонланадиган йилларни Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам доимо ўзининг нуфузли ғалабалари билан қутлаб келган.**

Газетхонларимизга Ўзбекистон футболининг байроқдори бўлмиш «Пахтакор» командаси 1956 йили ташкил этилиб, ўзининг чемпионатдаги биринчи расмий беллашувини апрель ойида Тошкентдаги «Спартак» стадионида («Пахтакор» стадионининг қурилиши ҳали ниҳоясига етмаганди ва унинг очилиши кейинроқ — 11 августда бўлиб ўтганди) ўтказганлигини эслатиб ўтамиз.

Мана биринчи ўйиннинг қайдномаси:

1956 йил, 8 апрель, «Б» класси

«ПАХТАКОР» — Перм шаҳри командаси — 1:0 (1:0)

Тошкент, «Спартак» стадиони

**«ПАХТАКОР»:** Волостнов, Азизхўжаев, Козенков, Виткалов, Тазетдинов, Муқимов, Капров, Мақсудов, Канунников, Мурашов, Боркин.

Тўпни 44-дақиқада пенальтидан Мақсудов киритди.

Жамоани майдонга унинг сардори Анатолий Козенков етакчи сифатида олиб чиқди, биринчи тўпни эса (ягона ва ғалаба келтирган) кейинчалик «Пахтакор»га мураббийлик қилган Лазиз Мақсудов киритди.

### ОЛИЙ ЛИГАДА

1960 йилдан бошлаб «Пахтакор» олий лигада тўп сура бошлади ва тез орада ўзига хос жамоа сифатида довруғ қозонди. Пахтакорчилар ўзларининг олий лигадаги дастлабки ўйинларини 9 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказдилар.

Мана ушбу ўйиннинг қайдномаси:

1960 йил, 9 апрель, олий лига

«ПАХТАКОР» — «ТОРПЕДО» (Москва) 0:1 (0:1)

Тошкент, «Пахтакор» стадиони, ҳакам Н. Крилов (Самара)

«ПАХТАКОР»: Пшеничников, Азизхўжаев, Козенков, Суюнов, Семёнов, Тожиров, Тимохин, Моторин, Красницкий, Тазетдинов (сардор), Феофанов.

Стадионга тушган мухлислар миқдори тўғрисида маълумот йўқ, бироқ ўйингоҳ тўла бўлганлигини эслаймиз. «Пахтакор» дастлабки ўйинда мавсум якунига кўра «дубл»га эришган, яъни ҳам мамлакат чемпиони бўлган, ҳам биллур совринни қўлга киритган жамоа билан учрашганди.

«Торпедо» таркибида мамлакатнинг икки бор энг яхши ўйинчиси номига сазовор бўлган Валерий Воронин, терма жамоанинг энг сермаҳсул ҳужумчиси Валентин Иванов, шунингдек ўша пайтларда катта маҳорат билан тўп сурган Слава Метревели, Виктор Шустиков, Николай Маношин каби юқори маҳоратли ўйинчилар мавжуд эди. «Б» классида тўп сурган собиқ ўйинчилар мана шундай кучли жамоага қарши майдонга тушдилар ва гарчи баҳс кичик ҳисоб билан рақиблар фойдасига ҳал бўлган бўлса-да, йигитларимиз яхши ўйнагандилар. Олий лигадаги ўзларининг дастлабки мавсумларида тошкентлик футболчилар 14-ўринни эгалладилар, 1961 йилги чемпионатда эса кучли ўнта жамоа қаторидан ўрин олдилар.

### «СПАРТАК» УСТИДАН ҒАЛАБА

Ўзбек футболи 60 ёшга тўлган 1962 йилги мавсумни «Пахтакор» Москвада шу шаҳарнинг «Спартак» командаси билан ўйин ўтказган ҳолда бошлади. Ушбу ўйинга бағишлаб 20 минг нусхада чиройли дастур чиқарилган бўлиб, у бугунги кунда нодир нарса ҳисобланади.

Ушбу ўйиннинг қайдномаси билан танишинг:

1962 йил, 2 май, олий лига

«СПАРТАК» (Москва) — «ПАХТАКОР» 2:3 (1:1)

Москва, Лужникидаги стадион, 75 минг томошабин, ҳакам П. Гаврилиади (Сочи)

«ПАХТАКОР»: Пшеничников, Шарипов, Моторин, Суюнов, Қаҳҳоров, Мухин, Абдураимов, Тазетдинов, Красницкий, Тожиров, Беляков.

Тўпларни: Беляков (3-дақиқа), Ильин (37), Абдураимов (51), Фалин (54), Красницкий (87, пенальтидан) киритишди.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, томошабинлар хуш кўриши борасида мазкур ўйинда ўзига хос рекорд ўрнатилган. Яъни ушбу ўйинга 75 мингта томошабин ташриф буюрган бўлиб, на бундан олдин, на келгусида «Пахтакор» иштирокидаги ўйинларга бунчалик кўп ишқибоз тушмаган. Ўзининг собиқ ҳужумчиси Н. Симонян мураббийлик қилаётган «Спартак» ўша мавсумда чемпионлик сари интилганди (ва чемпион бўлганди ҳам). Шу сабабдан у очколарни улашишни, яна бунинг устига ўз уйида очколарни баҳам кўришни асло истамасди. Ушбу ўйинга оид яна бир ҳолатни қайд этиб ўтиш ўринли. Ўтган чемпионатда тошкентлик футболчиларни илк бор ўз уйида қабул қилган «Спартак» 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраганди. Бинобарин, стадионда спортчасига «қасос олиш» руҳи кезарди. Бироқ, ўйин бундан бир йил олдинги ҳисоб билан бошланди. Москваликлар учун Беляков томонидан ўйин бошларида киритилган тўпга «жавоб» қайтариш учун ярим соатдан кўпроқ вақт керак бўлди. Иккинчи таймда ушбу воқеа яна такрорланди — Абдураимов ўз командасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Тўғри, майдон эгалари уч дақиқадан кейин яна ҳисобни тенглаштирдилар. Бироқ ўйин тугаганлиги тўғрисида ҳакам ҳуштаги янграшидан яна айнан уч дақиқа олдин беллашув тақдири ҳал бўлди. «Спартак» дарвозабони Фролов ҳужумга ўтган Красницкийни оёғидан ушлаган ҳолда тўхтатиб қолганидан сўнг «жабрланувчи»нинг ўзи пенальтини аниқ амалга оширди. Шу тариқа «Спартак» «Пахтакор»ни Москвада яна енга олмади. Ўйиндан сўнг пахтакорчилар Коста-Рика давлати делегацияси ғолиб жамоа учун тайёрлаб қўйган махсус кубокнинг соҳиби бўлишди. Мазкур ўйиннинг қатнашчиси Вильгелм Қаҳҳоровнинг хотирлашича, Геннадий Красницкий беллашувнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган ва унга ҳам мукофот топширилган.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**
**Владимир САФОРОВ.**
**(Давоми бор).**



**СУРАТЛАРДА: (юқорида) 1963 йилги «Пахтакор» жамоаси ўйин олдидан; «Пахтакор» ўқув-машғулот йиғинларида (1956 йилнинг январи). Биринчи қатор (чапдан ўнгга): Михаил Барский, Идгай Тазетдинов, Пётр Волостнов (дарвозабон), бош мураббий Валерий Бехтенев, мураббий Лев Ольшанский, Яков Капров, Юрий Усков, Анатолий Козенков, Альберт Садиков. Иккинчи қатор: Александр Мурашов, Баҳодир Маҳмудов, Николай Юшков, Владимир Шеффр, Акмал Азизхўжаев, Валентин Трошин, Виталий Виткалов. (Ушбу ноёб сурат матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда).**

---

**ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...**

**ҲАКИМ НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# Ҳамиша ёдимиздасиз

**Бизда ўтган табаррук зотларни ёдга олиб туриш энг савобли ишлар қаторига кириб қолди. Эл-юртига садоқатли хизмат қилган, халқнинг оғирини енгил қилиб дуосини олган, намунали ишлари билан ҳаётда из қолдирган инсонларни хотирлаш кишига маънавий ҳузур, катта руҳий кўтаринкилик бахш этади.**

Ана шундай зотлардан бири менинг 3-Арпапоя маҳалласилик, раҳматли Муҳаммаджон Турсунов бўлади. У ўзининг гўзал фазилатлари — одамохунлиги, донолиги, зукколиги ва дилкашлиги билан ажралиб турарди. Мен уни йигирманчи йиллар охири — ўттизинчи йиллар бошларида Бешёғоч даҳасидаги 3-Арпапоя маҳалламизда етишиб чиққан дастлабки зиёлилардан бўлганди деб бемалол айта оламан. Одамларнинг маънавий савиясини кўтариш устида қайғуриш, ҳаммага яхшиликни раво кўриш, самимийлик, бағрикенглик унинг табиатида, муомаласи ва юриш-туришида яққол акс этиб турарди. Истараси иссиқ, тим қора кўзлари маъноли боқувчи бу ёқимтой, оқ кўнгил йигитни каттадан кичик ҳурмат қиларди, севарди.

Муҳаммаджон акада ҳожатбарорлик хусусияти кўриниб турарди. Ҳали аксарияти саводи бўлмаган маҳалламиз аҳолисини кундалик воқеалардан хабардор қилиб туриш, сўраганларга турли номалар, аризалар ёзиб бериб туришдан эринмасди.

Муҳаммаджон ака мактабни аъло баҳоларда битиргач, шу Бешёғоч ҳудудида очилган молия-иқтисод институти талабалари сафидан ўрин олди. Институтни ҳам муваффақиятли тамомлагандан сўнг, шу институт домлалари қаторига қўшилди. Институт қошидаги аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини ёқлади, II Жаҳон уруши йилларини армия сафида ўтказгач, яна институтга қайтди. Ўзини яхши иқтисодчи олим, истеъдодли педагог ва уқувли ташкилотчи сифатида кўрсата олгани туфайли институтнинг директорлиги даражасига кўтарилди, шу лавозимда анча йил хизмат қилди. Ўша йилларда у кишидан таълим олганлар домлани юрак сўзлари билан соғиниб эслашади: «Муҳаммаджон Турсунов бизга фақат меҳрибон устоз бўлибгина қолмасдан, ғамхўр, сергак отадай тарбия ҳам берганлар. Талабалар ишини баҳолаганда-чи, уларнинг маънавий-ахлоқий томонлариниям эътиборда тутганлар», дея севинч ва фахр билан алқашади.

Муҳаммаджон ака ҳеч қачон ўз мутахассислиги, лавозимлари қобиғида чекланиб қолганмас. Доирани кенг олиб, жамоат ишларида яқиндан қатнашган, кўпчиликнинг корига яраб, фаол ҳаёт кечирган. Ундаги бу сара хусусиятлар ўсмирлик давриданоқ бошланган. Ёши оғам даражасида бўлсаям, биз ҳамма нарсада — кураш тушишми, чиллак ўйнаш, тўп тепишми, шаҳар атрофига лола сайрига чиқишми, қишда қорбўрон ўйнаб, конькида яхмалак отишми — бари ўйинкулгиларда бир-биримиздан ажралмасдик. Бизларни бир-биримизга яқин қилган нарсалардан биттаси китоб бўлган десам янглишмайман. Бизнинг хонадонда ёзин-қишин китобхонлик давом этарди. Менда болаликдан ўқиш-ёзишга ҳавас уйғонгани шундандир. Муҳаммаджон ака ҳам китобхонликка берилган, китобдан ва мактабдан олган таассуротларини мен билан ўртоқлашиб турарди. Ўртамизда китоб алмашув бўлиб, қай биримиз бўлсак-да, китобни тез ўқиб чиқишга, мазмунини сўзлаб беришга шошилардик. Бу одатимиз мен болалар матбуотида хизмат қила бошлаганимдан кейин янада кучайди.

Газета таҳририятида ишлай бошлагач, менда адабий ижодга қизиқиш бошланди. Дастлабки ҳикоя машқларим болалар матбуотида чиқа бошларкан, буларни кўриб Муҳаммаджон ака қанчалик қувонганини ҳаяжон билан эслайман. У киши иқтисодчи олим бўлгани ҳолда, боя айтганимдек, китобга, адабиётга берилган, ёзувчилар доирасида бўладиган воқеаларга жуда қизиқиб қарарди. Таниқли ёзувчилар билан бўлган учрашувларнинг баъзиларига қатнашиб, кўп ҳузур қилар, бу ҳақдаги таассуротларини яқинларига гапириб бергувчи эди. Чўлпон, Усмон Носир каби шоирларнинг айрим шеърларини ёдга олиб, дўстларига ўқиб беришдан завқ оларди. «Очиғини айтсам, адабиётга муҳаббатни талабалик йилларида юқтирганман. Кимдан десангиз, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекдан» деб қолди бир куни. Ойбек ўттизинчи йилларнинг бошларида молия институтида иқтисод фанидан дарс берган. Дарсдан бўш вақтларида, талабаларга ўз шеърларидан ўқиб бериб турган экан...

Етук шогирдлар устози, азамат фарзандлар отаси бўлмиш Муҳаммаджон аканинг шахсий ҳислатларини бойитадиган яна бир жиҳатни эслай. У ҳам бўлса ўта зийраклик, эҳтиёткорлик эди. Бу ҳислатлари одамлар билан, айниқса синалмаган одамлар билан муомалада яққол сезилар эди. Очиғи, у замонларда кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳийла нозиклашиб кетганди. Бир-бировига ишонч камайган, қилдан қийиқ ахтариш, тўғри гапни эгриликка буриш кайфияти учраб турарди. Айниқса, ўттиз еттинчи йилда бошланган қатағон балоси одамларни чўчитиб, зада қилиб қўйганди. Абдулла Қодирий, Чўлпон каби улуғ адибларнинг китобларини сақлаган, улар ҳақида яхши гаплар айтган кишиларимиздан бир нечтаси қамалиб кетганини кўргандик. Шу сабабдан Муҳаммаджон ака ўзлари сўзга эҳтиёт бўлиш билан бирга мени: «Тилингизга эҳтиёт бўлинг!» деб огоҳлантиришлари ёдимдан чиқмайди. Хизматингни ўрнига қўйиб бажариб турганинг билан ҳаётинг хавф-хатардан холи эмасди. Ҳа, шўро замонида фуқаролар учун шунақанги хавотирли йиллар кўп кечганди...

Хулласи, таваллудига тўқсон йил бўлаётган азиз инсон Муҳаммаджон Турсунов табаррук сиймолардан бўлганди. Ўз яқинларига, бошқаларга ҳам кўрсатган эзгу ибратлари бой, кўп қиррали эди. Биз буларни ҳар вақт эътиборда тутиб, миннатдорчилик билан эслаб турамиз. Бу ажойиб инсоннинг ҳаётда қолдирган излари, бой хотираси унинг дўстлари, шогирдлари ва фарзандлари қалбидан асло ўчмайди.

---

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

# Бир ҳамдард истар кўнгил

У сукут сақлаб кетиб борарди. Ён атрофидан пайдар-пай ўтиб бораётган нотаниш чеҳралар орасида аҳён-аҳёнда бўлса-да танишлари ҳам борлигини ҳис этар, лекин уларнинг кўзига тик боқишдан ожиз эди. Шу дамда кўнгил ўзига бирор яқин дилкаш ҳамдам излардию афсуски шунча одамлар орасида у истаган киши топилмасди. Ахир куни кеча юрса ҳам, турса ҳам атрофини қуршаб юрадиган инсонлар қани? «Сиз менинг туғишганимдан афзалсиз», дея ўтказгани жой тополмайдиган меҳрибонлар қани? Номини тилга олганда оғзидан бол томадиган улфатларчи? Улар қайга кетди? Ҳатто уйқусида ҳам тинчлик бермайдиган сертакаллуф, хуштавозеъ ёр-биродарлар, оқибатли, мурувватли мезбонлар қани? Нега бугун ҳаммаси зада бўлган қуш сингари пана-панада писиб юришибди? Нима бўлди ўзи? Қаерда янглишди? Наҳотки куни кеча этагини тавоб қилгудек одамлар бугун унинг ҳеч бўлмаса биргина ўнг қўлини тутиб қўйишга ярамаса?

— Содиқжон ака, сизмисиз?

Баногоҳ келган товушдан сергак тортди. Ҳайрият, номини тилга оладиганлар ҳам бор эканку бу ёруғ дунёда? Тик қаради-ю бирдан юраги орқага тортиб кетди. Рўпарасида унинг кўп йиллик раҳбарлиги давомида у билан ҳеч бир муроса-ю мадорага келишолмаган, ҳар гапидан заҳар томадиган Жамшид деган йигит турарди. Уни шу алпозда учратаман деб сира ўйламаганди. Бирдан хаёлидан чақмоқ янглиғ: «Ҳолингиз шу эканку, нима қилардингиз керилиб, манманлик билан биз каби бегуноҳ хизматчиларни ранжитиб? Хўш, энди қалайсиз? Атрофингиздаги оқни қора, қорани оқ дейдиган, ҳар бир сўзингизни тўғри дея тасдиқлаб турадиган лаганбардор мулозимларингиз қани? Урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши дея ялтоғланадиган, ўнгига урсангиз буниси қолиб кетди хўжайин, дея чап юзини тутиб берадиган, юлдузни бенарвон урадиган тилёғлама, учқур хушомадгўйлар қани?» деса нима деб жавоб бераман, деган фикр ўтди.

Ўшанда бу йигитни бир неча бор қилдан қийиқ ахтариб ишдан бўшатиб юбормоқчи бўлди. Уддасидан чиқолмади. Сабаби Жамшид бироз қизиққон, бўлса-да тўғри сўз, ўз ишига пухта, тажрибали ходимлардан эди. Жамоа кўз ўнгида тўғрини ўғри деса шундоқ ҳам дарз кетиб турган обрўйига янада путур етишини ўйлаб бу ишни ўзига эп кўрмади.

Орадаги сукунатни Жамшиднинг ўзи бузди:

— Ака, тинчмисиз, уйдагилар яхшими? Соғлиқ қалай? Иш билан бўлиб сиздан хабар ололмадик, кечирасизда энди.

Унинг бу майин, қандайдир кўнгилга тасалли берувчи ширали овозида асло кесатиқ аломати йўқ эди. Содиқжон Жамшиднинг гина-гудуратдан холи дўстона узатилган қўлини бир зум бармоқлари орасида сиқиб турди. Унинг кафти ҳароратидан танасига қандайдир илиқлик югургандек бўлди.

— Ака, ҳозир бироз шошиб турибман. Сизни кўриб тўхтадим. Бирров кўришиб ўтмасам инсофдан бўлмас дедим. Бошқармага чақиришган. Агар малоллик келмаса кеч- қурун уйингизга йўқлаб ўтмоқчиман. Гап бор.

Содиқжон унга тасдиқ ишорасини қилдими, қилмадими билмай қолди. Жамшид кўча четида турган енгил машина томон югургилаб кетди. Унинг орқасидан бир ҳолатда тикилиб қолган Содиқжон таниш машина ва унинг ҳайдовчисига кўзи тушдию ҳайратда қолди. Бу куни кеча ўзини олиб юрган хизмат машинаси эди. Кўрганлари ўнгида эмас, гўё тушида рўй бераётгандек. Ким-ким, лекин Жамшиддан бунақа илиқ самимийликни кутмаган эди. Аслида инсоннинг ўзи сирли бир дунё эканда. Уни кашф этган саринг янги қирралари очилиб боравераркан. Қани энди у бир китоб бўлса-ю, бир ўтиришда ўқиб барча сир-асрорларидан воқиф бўла қолсанг. Ана ўшанда ким яхшию ким ёмон дарров билинарди қоларди. Қарангки ўн йил бирга юриб ака-укадек бўлиб қолган, ундан қанча-қанча марҳаматлар кўрган ҳайдовчиси машинадан тушиб саломлашиш ўрнига ҳар куни ундан бўлар-бўлмасга дакки эшитадиган бир инсон бугун унга бағрини кенг очиб турса-я. Бу дунёнинг шўр қилмишларига мана шунақада тан берасан-да.

Ўшанда мансаб курсисига ўтирганда ундан ранжу алам кўрган биргина Жамшидми? Шундай бўлса кошки эди? Йўғон бўйнини хам қилсада оёғига тиз чўкиб кечирим сўрарди-қўярди. Афсуски ундан дили озор топганлар кўпда. Уларнинг қай биридан кечирим сўрайди. Қизиқ, мансабдорлик чоғида унинг болахонадор сўкишларига гўё юввош қўйдек бўйин тоблаб ўтирганлар ичларида нима деб вайсашган экан? Албатта, яшанг хўжайин, дейишмагандир. Сен онасини Учқўрғондан келтирганингда улар сенинг онангни Ўнқўрғондан келтириб ўтиришгандир. Ҳа, шундай қилишган. Ахир ким адолатсизликка чидабдики, булар чидаса? Наҳотки шу оддий ҳақиқат нечук ўшанда хаёлига келмабди. Кўзини шира босдими? Ёки мансаб курсисини мутлақ абадий деб ўйладими? Ҳамиша ҳамрўз ёнидаги ҳайбаракаллачи, хушомадгўйларнинг у ҳақдаги баландпарвоз сўзларининг таъсиридан бўлдими бу? Ҳарқалай нимадир бор. Ўртада қандайдир девор пайдо бўлган эди. Мана бугун ўша девор қулаб ҳамма нарса кўзига равшан кўриниб қолди.

Аризасига биноан ишдан бўшатилиш маросимидаги гаплар ҳамон қулоғи остида. Биринчи бўлиб энг яқинлари сўз олишди. Шулар гўё жонига оро кирадигандек Содиқжон уларга мўлтираб қарайди. Ҳамдардлик умидида уларга тикилган сари кўнгли бўшашиб борарди. Айниқса шундай оғир дамларда инсон ўзига бирор суянчиқ излаб қоларкан-да. Назарида ҳозир улар ўрнидан туришадию Содиқжон аканинг хизматларию фазилатлари ҳақида оғиз кўпиртириб қолишади. Ишқилиб ҳаяжонга берилиб бошлиқлар олдида уларнинг фикрига зид равишда мақтовга ортиқча зеб бериб юбормасалар бўлгани.

У дастлаб сўзга чиққан ўринбосари Ҳамро Каттаевга ишонч билан тикилди. Ҳар қалай гапга чечан одам ҳозир боплайди. Одатига кўра сўз аввалини: «Ўртоқлар, Содиқжон Тўраевичнинг фидойи меҳнатига холис баҳо беришларингизни сизлардан илтимос қиламан», деган гаплар билан бошласа керак. Во, ажаб! Унинг тилидан бундай гап янграмади. Сўз оҳанги замзама, кесатиқ билан бошланди.

Содиқжон олдинига бир зум талмовсираб унинг сўзларини эшитиб турди. Қулоқларига ишонмади. Тавба, тушими, ўнгими? Наҳот бу келди дегунча дарҳол ис олиб қабулхонасига кирадиган, «Отамдан ҳам сизни аъло кўраман» деб олдида узоқ ялтоғланиб ўтирадиган Ҳамро Каттаев бўлса.

Ундан кейин бирин-кетин сўз олиб унинг пўстагини қоқаётганлар кимлар ўзи? Кечагина «Сизнинг даврингизда эркин қуш бўлиб юксак-юксакларга парвоз қилиб юрибмизда хўжайин», дея соясига кўрпача солиб юрган одамлари-я. Вой тавба, инсон ҳам шу қадар тез турланадими? Бетингда юзинг борми, демай гапираётган сўзларини қаранг.

Бирдан қулоқлари шанғиллаб кетди. Бора-бора тўлқин кучайиб мутлақо эшитмай қолди. Ким нима деди, билмади. Ҳар қалай аллада азиз қилиб юрганлари гўрига ғишт қалаётганини уларнинг қарашларидан англаб турди. Ниҳоят таклиф қўллаб-қувватлади.

Энг ёмони охирида бўлди. Одамлар нигоҳидан безиб, гангиб ташқарига чиқса уни ҳар куни ишдан уйига элтадиган хизмат машинаси жойида йўқ эди. Ҳайдовчи сўроқсиз қайгадир ғойиб бўлибди. Хўжайиннинг хизмат машинасига бирор марта бўлсада ўтиришини орзу қиладиган хизматчилар ҳам йиғилиш чўзилганидан шикоят қила-қила ҳеч қандай такаллуфсиз бирин-сирин уйларига жўнаб кетишди.

Биринчи марта у ишхонасидан уйига пиёда қайтди. Кўчада кетаётганида кимдир унинг ёнида машинасини тўхтатди, ўтиришга таклиф қилди. Лекин Содиқжон унамади. Пиёда кетишни афзал кўрди. Ёлғизлик, фақат ёлғизлик айни дамда унга сув ва ҳаводек зарур эди.

У қайси йўлдан кетди, қанча кўчаларни пиёда кезди билмайди. Фақат билгани бутун ҳаётини хаёлан бирма-бир торозудан ўтказди. Йиғилишда ишдан бўшатилишининг асосий сабаби сифатида ўзбўларчилик, мансабпарастлик, ортиқча тазъйиқ каби айблар бирма-бир санаб ўтилди.

Шу кеча тонг отгунча мижжа қоқмади. Ниҳоят ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. Ҳа, хатолик ўзидан ўтди. Хушомадларга берилиб кетди. Қилмиш-қидирмиш, шунга яраша иш бўлди. Очиқ кўз билан тиканники босгандан кейин жабрини ҳам ўзи тортиши керакда... Шу дамда негадир хаёлидан ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байти ўтди.

**Ҳар кимки чучук сўз**
**элга изҳор айлар,**
**Ҳар нечаки ағёр**
**дурур ёр айлар,**
**Сўз қаттиғи эл**
**кўнглига озор айлар,**
**Юмшоғи кўнгилларни**
**гирифтор айлар.**

...Жамшид сўзида турди. Кечқурун ийманибгина унинг хонадонига кириб келди. Бироз руҳсиз бошланган суҳбат бора-бора жонланиб кетди. Гурунг асносида Жамшид корхонага раҳбарлик вазифасига ўтганилиги аён бўлди, Содиқжон акани ишга таклиф этди.

Кўнгил тошдан қаттиқ, гулдан нозик деганлари рост. Самимий илтифотдан Содиқжон аканинг кўзи ёшланди ва айни дамда у бир нарсага — кибру ҳаво, шуҳратпарастлик, такаббурлик охир-оқибат инсонни бахтсизликка етаклашига ҳақиқат, адолат эса куни келиб тантана қилишига яна бир карра ишонди ва иймон келтирди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

---


## «Бектемир пахта тозалаш заводи» ОАЖ акционерларнинг умумий мажлисини ўтказади

**Мажлис 2002 йил 25 июнда соат 9.00 бўлади.**
**Манзил: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани.**
**Бектемир қишлоғи, Паркент тракти, 15.**
**Соат 8.00 дан рўйхатга олиш бошланади.**

***Кун тартиби:***

*I. «Бектемир пахта тозалаш заводи» ОАЖнинг 2001 йил молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот.*

*II. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ва Аудитор хулосасини тасдиқлаш.*

*III. 2001 йил балансини ва йиллик дивиденд миқдорини тасдиқлаш.*

*IV. Кузатув кенгаши таркибига қўшимча сайлов.*


**«Бектемир пахта тозалаш заводи» ОАЖнинг 2001 йил баланси:**

| № | Кўрсаткичларнинг номи | Минг сўм |
|---|---|---|
| | АКТИВ | |
| 1. | Асосий воситалар | 33895 |
| 2. | Эскириш | 25175 |
| 3. | Қолдиқ қиймат | 8720 |
| 4. | Уюшма корхоналаридаги акциялар | 915 |
| 5. | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 679292 |
| 6. | Келгуси давр сарфлари | 6380 |
| 7. | Пул маблағи | 2077 |
| 8. | Тайёр маҳсулот | 154455 |
| | ЖАМИ | 851839 |
| | ПАССИВ | |
| 1. | Устав капитали | 14555 |
| 2. | Заҳира капитали | 752 |
| 3. | Тақсимланмаган фойда | 1558 |
| 4. | Мақсадли тушум ва фондлар | 2311 |
| 5. | Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун заҳиралар | 8906 |
| 6. | Узоқ муддатли қарзлар | 200 |
| 7. | Бюджет бўйича қарзлар | 71092 |
| 8. | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар | 16192 |
| 9. | Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар | 66825 |
| 10. | Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар | 310538 |
| 11. | Мол етказиб берувчилар | 331817 |
| 12. | Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар | 24283 |
| 13. | Бошқа кредиторлар | 2810 |
| | ЖАМИ | 851839 |

**Ушбу баланс «Камол-Аудит» фирмаси аудитори хулосаси билан тасдиқланган.**

Газетанинг 2002 йил 20 май сонида берилган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган 6 май санаси 21 май деб ўқилсин.


Сергели туманида жойлашган икки хонали квартира сотилади. Тел: 51-13-26.

* * *

Сергели туманида жойлашган беш хонали квартира сотилади. Тел: 57-15-30.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 14.15 1 2 3 4 5 6